

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**НОРТАЕВА НИЛУФАР АБДИРАХИМОВНА**

**ГИПОТИРЕОЗ ҲОЛАТИДАГИ ТУРЛИ ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ**  
**ТИШ-ЖАҒ СИСТЕМАСИНИНГ МОРФОЛОГИК ВА МОРФОМЕТРИК**  
**ЎЗГАРИШЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)**

**Нортаева Нилуфар Абдирахимовна**

Гипотериоз ҳолатидаги турли ёшдаги  
болаларнинг тиш-жағ системасининг  
морфологик ва морфометрик ўзгаришлари..... 3

**Нортаева Нилуфар Абдирахимовна**

Морфологические и морфометрические  
изменения зубочелюстной системы детей  
разного возраста при гипотериозе..... 23

**Nortaeva Nilufar Abdirakhimovna**

Morphological and morphometric changes  
of the dental-jaw system of children of different  
ages in the state of hypotheriosis..... 43

**Эълон қилинганишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**НОРТАЕВА НИЛУФАР АБДИРАХИМОВНА**

**ГИПОТИРЕОЗ ҲОЛАТИДАГИ ТУРЛИ ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ**  
**ТИШ-ЖАҒ СИСТЕМАСИНИНГ МОРФОЛОГИК ВА МОРФОМЕТРИК**  
**ЎЗГАРИШЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2633 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Ахмедова Сайёра Мухамадовна</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Расулов Ҳамидулла Абдуллаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент <b>Ҳамидова Фарида Муиновна</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Бухоро давлат тиббиёт институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй., Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1 қават. Тел./факс: (+99878) 150-78-14; e-mail: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш. Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Р.Дж. Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли ўртасида кенг тарқалган ноинфекцион касалликлар орасида қалқонсимон без касалликларининг учраш даражаси юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. ЖССТ маълумотларига кўра ер юзида йод етишмовчилиги мавжуд регионларида 2 млрд одамлар яшайди ва уларнинг 600 миллионида қалқонсимон безнинг катталашishi, 40 миллионида эса йод етишмовчилиги натижасида юзага келган кучли ифодаланган аклий заифлик бор. Кенг тарқалган эндокрин касалликлар қаторига қалқонсимон без касалликлари киради. Дунёдаги атроф муҳитда йод танқислиги мавжуд бўлган шароитда қалқонсимон без касалликларининг аҳоли саломатлигига таъсири катта ҳисобланади. Шунингдек, оғиз бўшлиғи аъзоларининг яллиғланиш жараёнларининг этиологияси ва патогенези тиш-жағ тизимидаги турли хил патологик ўзгаришлардан келиб чиқади. Ҳозирги кунда замонавий клиник стоматологиянинг асосий муаммоларидан бири бу иккиламчи иммунитет танқислиги фонида ривожланадиган яллиғланишли периодонтал касалликларнинг ўсишидир. Шунинг учун гипотиреоз ҳолатидаги турли ёшдаги болаларнинг тиш-жағ системасининг морфометрик ўзгаришлари ва тишларда кечадиган морфологик ўзгаришларни ўрганиш фундаментал тиббиётнинг муҳим масалаларидан биридир.

Жаҳонда гипотиреоз билан касалланган болаларнинг тиш-жағ системасининг морфометрик ва морфологик хусусиятларини баҳолашни такомиллаштириш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, қалқонсимон без гормонлари иммунокоррекцияловчи хусусиятларини ва шу билан бирга гипотиреозда бир қатор тизимли иммун бузилишларини аниқлаш, қалқонсимон без гормонлари билан узоқ муддатли алмаштириш терапияси қалқонсимон безининг блокадасига олиб келишини инобатга олган ҳолда яллиғланишли периодонтал касалликларни ўз вақтида ва самарали даволаш, айниқса эрта босқичларда периодонтнинг прогрессив бузилишларга ва жағларнинг алвеоляр бузилишларини олдини ошига қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини такомиллаштириш, жумладан, турли ноинфекцион касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини ошириш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, гипотиреоз ҳолатидаги турли ёшдаги болаларнинг тиш-жағ системасининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини баҳолаш,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони.

касалликни ўз вақтида ва сифатли диагностика қилиш, даволаш самарадорлигини ошириш ва касаллик асоратларини олдини олиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида», 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламни янада кенгайтириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бир қатор илмий тадқиқот натижалари қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши натижасида организмнинг бошқа аъзо ва тўқималарида келиб чиқувчи, жумладан тиш-жағ тизимидаги ўзгаришларига таъсирини олдини олиш муҳим ҳисобланади. Тиреоид гормонларнинг организмда етишмаслиги ёки миқдорининг ошиб кетиши натижасида тиш-жағ тизимида морфологик ва функционал ўзгаришларни баҳолашга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Тажрибалардан аниқландики, тиш касалликларининг эндокринологик жиҳатлари бир қатор фундаментал илмий тажрибаларда ўз аксини топган (О.Л.Шнейдер, 2018; Т.Г.Махмудов ва бошқ., 2019). Яқин хорижий олимлар томонидан организмдаги гипотиреоз ҳолатларнинг тиш-жағ тизими таъсирига бағишланган кўплаб илмий тадқиқот ишлари мавжуд (О.М.Петренко, 2014; О.А.Гончаров, 2011; А.М.Эбзеева, 2011; В.В.Бекезин, 2020; Егорова Е.Н., 2015) ва узоқ хорижда (Mark P. et al., 2015; Zhou Y. et al., 2018; Zhang X. et al., 2017; Park S. et al., 2017; Singh R. et al., 2017; Jepsen S. et al., 2017).

Ўзбекистонда қалқонсимон без дисфункцияларининг турли аъзоларга, жумладан асаб, юрак-қон томирлар, тиш-жағ тизимига таъсири борасида қатор клиник ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилмоқда (А.А.Юнусов, 2014; Қ.Р.Тўхтаев, 2019; У.М.Миршарапов, 2022; Ф.С.Орипов, 2022; С.Блинова, 2022), бироқ, ушбу патологиянинг айнан тишларга таъсири масаласи мунозарали бўлиб қолмоқда.

Замонавий маҳаллий ва хорижий адабиёт манбаларида гипотиреоз билан оғриган болаларда тиш-жағ тизимида морфологик ва функционал ўзгаришларни баҳолашга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш долзарб муаммолардан бирига айланиб бориши тасдиқламоқда. Эрта болалик даврида ривожланган гипотиреоз эса боланинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланишидан орқада қолишига олиб келиши мумкин. Кузатишлардан аниқланишича нафақат Ўзбекистонда, балки ер юзида гипотиреоз касаллиги кўплаб инсонларда учрайди. Гипотиреоз инсониятнинг энг кўп тарқалган ноинфекцион касаллиги ҳисобланади. Шундай қилиб, юқоридаги қайд этилганлар, гипотиреоз ҳолатидаги мактаб ёшидаги болаларнинг тиш-жағ тизимида морфометрик ва морфологик хусусиятларини тўлиқ ўрганиш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Турли хил тажрибавий патологияларда иммун ва ҳазм тизими аъзоларининг постнатал ривожланишида организм ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг функционал-метаболик ва структур тавсифлари» (2021-2023 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** гипотиреоз ҳолатидаги турли ёшдаги болаларнинг тиш-жағ системасининг морфометрик ўзгаришлари ва тажрибавий гипотиреозда тишларда кечадиган морфологик ўзгаришларни баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мактаб ёшидаги болалар боши ва юз қисмини антропометрик кўрсаткичларини ёшга қараб ўзгаришини баҳолаш;

гипотиреоз ҳолатидаги турли ёшдаги болаларнинг боши ва юз қисмини антропометрик кўрсаткичларини ўзгаришини илмий асослаш;

асосий ва кузатув гуруҳидаги болаларнинг боши ва юз қисмининг антропометрик кўрсаткичларининг солиштирма таҳлил қилиш;

тажрибавий гипотиреозда тишларнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2021 йилдан 2023 йилгача Тошкент вилояти Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамда Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмасида назоратда турган 7-16 ёшдаги 820 нафар мактаб ўқувчилари, 184 та оқ лаборатор каламуш болаларининг юқори ва пастки курак тишлари ўрганиш натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида гипотиреоз ҳолатидаги турли ёшдаги болаларнинг тиш-жағ системасининг структур-функционал хусусиятлари ҳамда тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган авлоднинг постнатал ривожланиш динамикасида гормонал статуси ва тиш-жағ системасининг структур хусусиятларини комплекс баҳолаш натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тажрибавий гипотиреозда тишларнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини асослашда морфометрик, умумгистологик, морфологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

турли ёшдаги соғлом болаларни тиш-жағ тизимининг кефалометрик кўрсаткичлари жинсга ва ёшга қараб ўзаро фарқ қилиши: юзнинг морфологик кенглик кўрсаткичлари барча ёшдаги қиз болаларда юқори, юзнинг морфологик узунлик кўрсаткичлари эса ўғил болаларда юқори эканлиги аниқланган;

гипотиреоз ҳолатидаги ўғил ва қиз болаларнинг кефалометрик кўрсаткичлари соғлом болаларнинг кўрсаткичларига нисбатан камроқ ўсиш темпига эга бўлиши, бу ўзгаришлар айниқса қиз болаларда юзнинг морфологик кенглик кўрсаткичлари, ўғил болаларда эса морфологик узунлик кўрсаткичлари билан намоён бўлиши илмий асосланган;

турли ёшдаги соғлом ва қалқонсимон без гормонлари етишмовчиги кузатилган болаларнинг тиш-жағ тизимини антропометрик кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили асосида кичик ёшдаги ўғил ва қиз болаларда ювенилизация белгилари, ўрта ва катта мактаб ёшидаги ўғил болаларда дебрахикефализация, қиз болаларда эса грацилизация белгилари ривожланиши илмий асосланган;

тажрибавий гипотиреоз ҳолатида тишда келиб чиқадиган морфологик ўзгаришлар: тишларнинг кеч чиқиши, дентин каналчаларининг торайиши, цемент қаватининг юққаланиши ва некроз белгиларининг ривожланиши илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қалқонсимон без гормонларининг суяк ва суяк тўқималарининг тўлақонли шаклланиши ва фаолият юритишида ўта муҳим эканлиги асосланган;

ҳомиладор аёллар ва болаларда гипотиреозни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш келажакда тиш-жағ системининг нуқсонлари ривожланишини олдини олишнинг муҳим шартини ҳисобланиши белгиланган;

олинган маълумотлар қалқонсимон безининг анатомик ва гистологик тузилиши ва уларнинг ёшга қараб ўзгариши ҳақидаги маълумотларни кенгайтиради ҳамда гипотиреоз ҳолатидаги оналардан туғилган авлодлар тиш-жағ тизимининг тузлиши ҳақида олинган маълумотлар одам организмида гипотиреоз ҳолатида тиш-жағ тизимида келиб чиқадиган ўзгаришларни тушунишга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, гистологик ва статистик тадқиқот усуллар асосида онадаги тажрибавий гипотиреоз шароитида туғилган авлодда тиш-жағ системасининг постнатал ривожланишини структур хусусиятларининг

ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оналардаги гипотиреознинг авлодда суякланиш тизими ва тиш-жағ системасининг постнатал ривожланиши ва шаклланишига таъсирининг морфофункционал механизмларини очиб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, гипотиреоз ҳолатидаги оналардан туғилган болаларда суякланиш ва тиш-жағ тизимининг постнатал ривожланишидаги бузилишларга олиб келувчи морфофункционал механизмлар, тиш-жағ тизимнинг бузилишида гормонал мувозанатнинг етакчи роли ҳомиладор аёллар ва ёш болаларда қалқонсимон без фаолиятини мунтазам назорат қилишни талаб қилиши, гипотиреознинг салбий оқибатларини патогенетик олдини олиш ва даволаш усулларини белгилаш учун асос бўлиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 15 февралдаги 02/071-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг 2023 йил 24 августдаги 08-23/31-х-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

*биринчи илмий янгилик:* турли ёшдаги соғлом болаларни тиш-жағ тизимининг кефалометрик кўрсаткичлари жинсга ва ёшга қараб ўзаро фарқ қилади, бунда юзнинг морфологик кенглик кўрсаткичлари барча ёшдаги қиз болаларда юқори, юзнинг морфологик узунлик кўрсаткичлари эса ўғил болаларда юқори эканлиги аниқлангани Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 18.08.2023 йилдаги 105-сон ҳамда Янгийўл туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 19.08.2023 йилдаги 110-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* жорий қилинган тадқиқот натижалари турли ёшдаги болаларда тиш-жағ тизимидаги кузатилиши мумкин бўлган антропометрик ўзгаришлар билан кечадиган патологик ҳолатларни эрта аниқлаш болаларнинг ўқув жараёнига, ҳаёт сифатига салбий таъсирларини олдини олади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари асосида олинган маълумотлар турли ёшдаги болаларнинг тиш-жағ тизимининг антропометрик ўлчамлари асосида олинган маълумотлар турли хил патологияларда тиш-жағ системасининг кўрсаткичларини салбий ўзгаришларини эрта босқичларда аниқлаш ва болаларда кечадиган тиш-жағ тизимининг касалликларини олдини олиш мақсадида режали тиббий кўрикларда фойдаланиш орқали асоратларни 1,6 баробар камайиши ва даволаш муддатлари қисқариши натижасида иқтисодий самарадорликка эришилган. *Хулоса:* тиш-жағ тизимида салбий ўзгаришлари билан боғлиқ кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш бўйича татбиқ натижалари бир нафар бола ҳисобига бюджет маблағларини 13450 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*иккинчи илмий янгилик:* гипотиреоз ҳолатидаги ўғил ва қиз болаларнинг кефалометрик кўрсаткичлари соғлом болаларнинг кўрсаткичларига нисбатан

камроқ ўсиш темпига эга бўлиши, бу ўзгаришлар айниқса қиз болаларда юзнинг морфологик кенглик кўрсаткичлари, ўғил болаларда эса морфологик узунлик кўрсаткичлари билан намоён бўлиши илмий асослангани Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 18.08.2023 йилдаги 105-сон ҳамда Янгийўл туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 19.08.2023 йилдаги 110-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* жорий қилинган тадқиқот натижалари турли ёшдаги болаларда гипотиреоз ҳолатида тиш-жағ тизимида кузатиладиган антропометрик ўзгаришларни олдини олиш, болаларнинг жисмоний ривожланишини ва ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* жорий қилинган тадқиқот натижалари турли ёшдаги болаларда тиш-жағ тизимидаги салбий ўзгаришлар ривожланаётганлигини эрта аниқлаш шифохонада бўлиш кунларини камайишига, ташхислашга ҳамда даволашга кетадиган маблағни 1,2 баробар иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* гипотиреоз ҳолатидаги 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларнинг тиш-жағ тизимидаги морфометрик кўрсаткичларини орқада қолишларни бартараф этиш бир нафар бола ҳисобига бюджет маблағларини 223805 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*учинчи илмий янгилик:* турли ёшдаги соғлом ва қалқонсимон без гормонлари етишмовчиги кузатилган болаларнинг тиш-жағ тизимини антропометрик кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили асосида кичик ёшдаги ўғил ва қиз болаларда ювенилизация белгилари, ўрта ва катта мактаб ёшидаги ўғил болаларда дебрахикефализация, қиз болаларда эса грацилизация белгилари ривожланиши илмий асослангани Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 18.08.2023 йилдаги 105-сон ҳамда Янгийўл туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 19.08.2023 йилдаги 110-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* жорий қилинган тадқиқот натижалари асосида стоматолог, педиатр, эндокринолог шифокорларга қалқонсимон без гормонларининг етишмовчилигида келиб чиқадиган антропометрик ўзгаришларни олдини олиш ва даволаш алгоритмининг тўғри олиб бориш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган тавсиялар тиш-жағ тизимида келиб чиққан морфометрик ўзгаришлар қалқонсимон без гормонларининг етишмовчилиги натижасида болаларда кузатилиши мумкин бўлган тиш-жағ тизимидаги ўзгаришларни эрта аниқлаш ва даволашни эрта даврдаёқ бошлаш бир ҳолат учун 13450 сўмдан 26900 сўмгача тежашга олиб келиши мумкин. *Хулоса:* гипотиреоз ҳолатидаги турли ёшдаги болаларнинг тиш-жағ тизимида кузатиладиган ўзгаришларни аниқлаш эндокринолог, педиатр, стоматологларга бу патологияни тўғри тушуниш ва мақсадли даволаш имконини беради;

*тўртинчи илмий янгилик:* тажрибавий гипотиреоз ҳолатида тишда келиб чиқадиган морфологик ўзгаришлар: тишларнинг кеч чиқиши, дентин каналчаларининг торайиши, цемент қаватининг юпқалашиши ва некроз белгиларининг ривожланиши илмий асослангани Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 18.08.2023 йилдаги 105-сон ҳамда Янгийўл туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 19.08.2023 йилдаги 110-Т-сон

буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* тажрибавий гипотериоз ҳолатида тишда келиб чиққан морфологик ўзгаришлар қалқонсимон без гормонларининг етишмовчилиги натижасида болаларда кузатилиши мумкин бўлган тишдаги салбий ўзгаришларни эрта ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш йўллариининг самарали усуллариини яратиш имконини бериш билан изоҳланган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган тавсиялар қалқонсимон без гормонларининг етишмовчилиги натижасида болаларда кузатилиши мумкин бўлган тишдаги морфологик ўзгаришларни эрта аниқлаш ва даволашни эрта даврдаёқ бошлашни имконини беради. *Хулоса:* гипотиреоз ҳолатидаги турли ёшдаги болалар тишида кузатиладиган морфологик ўзгаришларда эмал, дентин, цементни юпқалашиши ва некроз жараёнларини эрта ташхислаш натижасида бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва унга бўлган талаб асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган. Ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Суякланиш жараёнининг бошқарилишида тиреод гормонларнинг аҳамияти ҳамда ўзгаришлари ҳақида замонавий талқинлар**» деб номланган биринчи бобида тиш-жағ тизимнинг шаклланиш жараёнини бошқаришда қалқонсимон гормонларнинг ўзаро таъсири, қалқонсимон безнинг дисфункцияси ҳолатларида тиш-жағ тизимнинг морфофункционал хусусиятлари бўйича замонавий жаҳон адабиёти маълумотларини батафсил таҳлил қилиш натижалари келтирилган. Ҳанузгача турли ёшдаги болаларнинг гипотиреоз ҳолатининг салбий оқибатларини ривожланиши ва шаклланишига таъсирининг структур механизмлари етарлича тўлиқ аниқланмаганлиги ва бу муаммонинг ечимини топиш борасида илмий тадқиқотларни давом эттириш зарурлиги асослаб

берилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида илмий тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «Тиш-жағ тизимининг турли ёшдаги болаларда ҳамда тажрибавий гипотиреоз ҳолатидаги авлодларда ўрганиш методологияси» деб номланган иккинчи бобида фойдаланилган экспериментал материал ва ўтказилган тажрибалар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, асосий клиник, морфометрик, умумгистологик ва статистик тадқиқот усуллари ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Тиш-жағ системасини антропометрик ўзгаришларини аниқлаш мақсадида Тошкент вилояти Янгийўл тумани ва шаҳрида истиқомат қилувчи 820 нафар мактаб ёшидаги болаларидан фойдаланилди. Олдимизга қўйилган морфометрик мақсадга етишишда ва вазифаларни бажаришда тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилояти Янгийўл туманида истиқомат қилувчи 820 нафар мактаб ёшидаги болаларни танлаб олганмиз. Танлаб олинган болаланинг барчасида тиш-жағ системасининг антропометрик кўрсаткичларини ўлчаб олишда Бунак методи қўлланилди. Болаларнинг ёш бўйича энг кичиги 7 ёш, энг каттаси -16 ёшни ташкил қилди. Болаларни гуруҳларга ажратишда ижтимоий тамойилларга асосланган ёш даврийлаштирилишидан фойдаланилди (1-жадвал).

1-жадвал

**Ижтимоий ёш даврийлаштирилиши  
Мактаб ёшидаги болалар ҳолатига кўра:**

Ижтимоий ёш	Сони				
	Ёши	Қиз болалар		Ўғил болалар	
		асосий	кузатув	асосий	кузатув
Кичик мактаб ёши 7-10 ёш	7	n=21	n=18	n=20	n=15
	8	n=22	n=20	n=22	n=19
	9	n=25	n=24	n=21	n=18
	10	n=17	n=15	n=21	n=18
Ўрта мактаб ёши 11-14 ёш	11	n=24	n=18	n=20	n=17
	12	n=23	n=18	n=22	n=18
	13	n=23	n=17	n=20	n=15
	14	n=17	n=14	n=17	n=15
Катта мактаб ёши 15-16 ёш	15	n=28	n=25	n=28	n=23
	16	n=27	n=25	n=28	n=22
n= 820		n=230	n=194	n=219	n=180

Ёш даврийлаштирилишини асос қилиб, дастлабки 1- гуруҳ 7- 8-9-10 ёшли мактаб болалари, 2- гуруҳ 11-12-13-14 ёшли, 3- гуруҳни эса 15- 16 ёшли мактаб болалари ташкил қилди. Ҳар бир гуруҳ яна 2 та гуруҳларга ажратилиб чиқилди, ўғил болалар (n=399) ва қиз болалар (n=421). Танлаб олинган болалардан 374 нафари (45,6%) соғлом бўлиб, кузатув гуруҳини, 449 нафари (54,7%) гипотиреоз ҳолатидаги болалар ташкил қилади. Шунингдек, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирининг 2022 йил 17 январдаги 16-сонли буйруғи билан тасдиқланган мактаб ҳамширасининг (287-сон) рақамли тиббий ҳужжат

шакли ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирининг 2020 йил 31 декабрдаги 363-сонли буйруғи билан тасдиқланган поликлиника ҳамширасининг (025-сон) рақамли тиббий ҳужжат шаклларидаги маълумотларидан ҳам қўшимча сифатида фойдаландик.

Тадқиқотимизнинг **тажриба қисмида** эса вазни 160-170 грамм бўлган, илгари туғмаган, зотдор бўлмаган 184 та урғочи оқ каламушлар (уларнинг 88 таси назорат гуруҳини, 96 таси эса тажриба гуруҳини ташкил қилди) ва улардан туғилган жами 269 та (назорат гуруҳи – 122 та, тажриба гуруҳи – 147 та) каламуш болалари олинди. Тажриба ҳайвонлари оддий лаборатория рационини шароитида сақланди. Тадқиқот икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда соматик ва юқумли касалликлар истисно этилгандан сўнг барча урғочи каламушлар икки гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ тажриба гуруҳида урғочи жинсга мансуб 18 та оқ лаборатор каламушларда тажрибавий гипотиреоз чақириш учун 14 сутка давомида 100 гр тана оғирлигига нисбатан 0,5 мг миқдорда мерказолил бериб борилди. Кейинчалик 1 ой давомида каламушларга 100 гр тана вазнига 0,25 мг дан мерказолил берилди. Каламушлар ҳомиладор бўлганидан сўнг ва боласи туғилганидан кейин ҳам эмизикли даврида она каламушларга 100 гр тана вазнига 0,25 мг дан мерказолил беришни давом эттириб борилди. 2-гуруҳ (интакт) урғочи каламушлари (30та)га тенг миқдорда физиологик эритма юборилди ва ҳар иккала каламушлар гуруҳи кузатув остига олинди. Қайд этиш лозимки, мерказолил дори воситаси юборилгандан сўнг 2 ҳафта ўтгач, 1-гуруҳ каламушларининг аксариятида ҳаракат фаоллиги ва иштаҳанинг бирмунча пасайиши, уйқучанлик, жун қопламасининг хиралашиши аниқланди. Қалқонсимон безнинг функционал ҳолатини аниқлаш мақсадида тажрибанинг 3, 7, 14- 21 ва 30-кунлари ҳар иккала гуруҳдан 10 тадан тажриба ҳайвонларининг қон зардобидаги тиреотроп гормони (ТТГ) ва эркин тироксин (Т4) гормонлари концентрацияси текширилди. Барча каламушлар виварийнинг бир хил шароитида, хона ҳарорати ҳамиша 20-25°С да боқилди. Каламушларнинг сони ҳар бир катакда 6 тадан ошмаган ҳолда парвариш қилинди. Шу билан биргаликда, каламушларнинг ҳаммасига бир хилда озуқа бериб борилди.

Олинган маълумотлар Microsoft Excel 2010 нинг статистик бўлимида ўртача арифметик (M), нисбий ўлчамларни ўртача хатолиги (m) ва аниқлилик коэффициенти (t) аниқланди. Гистологик препаратлардан микросуратлар CX40 моделидаги OD400 камерали микроскоп ёрдамида суратга олинди.

Диссертация ишида морфометрия, морфологик, умумгистологик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилди. Морфометрик текширувларни ўтказиш учун Г.Г.Автандилов тўри ва NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/НАМАМАТСУ PHOTONICS /431-3196 JAPAN) Namamatsu (QuPath-0.4.0, NanoZoomer Digital Pathology Image) морфометрик компьютер дастуридан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Турли ёшдаги соғлом ва гипотиреоз ҳолатидаги болаларнинг тиш-жағ тизимининг антропометрик кўрсаткичларини солиштирма таҳлили**» деб номланган учинчи бобида антропометрик ўлчовлар натижалари баён этилган. Бизнинг кузатувларимизнинг барчасида соғлом ҳолатдаги мактаб ёшидаги ўғил болаларнинг

кефалометрик ўлчамлари ўлчанганда юзнинг физиогномик баландлиги ўғил болаларда ўртача  $16,3 \pm 0,25$  смдан (7 ёшда)  $29,5 \pm 0,73$  смгача (16 ёшда) ўсиши қайд қилинди, бунда энг яққол ўсиш суръати 12-13 ёшга тенг келди ва 20% ни ташкил этди (2-жадвал). Қиз болаларда эса бу кўрсаткич ўртача  $15,0 \pm 0,45$  смдан (7 ёшда)  $23,7 \pm 0,94$  смгача (16 ёшда) ўсиши аниқланди, бунда энг жадал ўсиш суръати 13-14 ёшда кузатилди ва 18% га тенг келди (3-жадвал).

Турли ёшдаги болаларнинг кефалометрик ўлчамлари ўлчанганда юзнинг морфологик кенглиги ўғил болаларда ўртача  $20,0 \pm 0,23$  смдан (7 ёшда)  $29,4 \pm 0,79$  смгача (16 ёшда) ўсиши қайд қилинди, бунда энг яққол ишончли ( $p < 0,05$ ) ўсиш 11-12 ёшда аниқланди ва 25% га тўғри келди (2-жадвал). Қиз болаларда эса бу кўрсаткич ўртача  $19,1 \pm 0,24$  смдан (7 ёшда)  $25,9 \pm 0,80$  смгача (16 ёшда) ўсиши аниқланди. Қиз болаларнинг энг жадал ишончли ( $p < 0,05$ ) ўсиш суръати 10-11 ёшда қайд этилди ва 21% ни ташкил қилди (3-жадвал). Юзнинг юқори чуқурлиги ўғил болаларда ўртача  $12,0 \pm 0,82$  смдан (7 ёшда)  $17,2 \pm 0,83$  смгача (16 ёшда), қиз болаларда эса ўртача  $10,4 \pm 0,45$  смдан (7 ёшда)  $15,1 \pm 0,74$  смгача (16 ёшда) ўсиши қайд қилинди, бунда энг юқори ишончли ( $p < 0,05$ ) ўсиш темпи ўғил болаларда 7-8 ёшда (16%) қиз болаларда 9-10 ёшда (12%) кузатилди.

Пастки жағнинг баландлиги ўғил болаларда ўртача  $2,8 \pm 0,89$  смдан (7 ёшда)  $6,0 \pm 0,62$  смгача (16 ёшда), қиз болаларда эса ўртача  $2,8 \pm 0,65$  смдан (7 ёшда)  $5,2 \pm 0,39$  смгача ўсиши кузатилди, ва ўсиш темпининг энг юқори кўрсаткичи 9% (15-16 ёшда) га тенг бўлди ўғил болаларда эса 12% (14-15 ёшда) ни ташкил этди.

Юзнинг юқори баландлиги ўғил болаларда ўртача  $4,7 \pm 0,06$  смдан (7 ёшда)  $9,5 \pm 0,15$  смгача (16 ёшда) ўсиши кузатилди, бунда энг яққол ўсиш суръати 12-13 ёшга тенг келди ва 17% га етди ( $p < 0,05$ ). Қиз болаларда эса бу кўрсаткич  $4,6 \pm 0,08$  смдан (7 ёшда)  $9,0 \pm 0,16$  смгача (16 ёшда) ўсиши қайд этилди, энг жадал ўсиш суръати эса 13% (13-14 ёшда) ни эканлиги кўрилди.

Юзнинг юқори морфологик баландлиги ўғил болаларда ўртача  $5,7 \pm 0,08$  смдан (7 ёшда)  $8,9 \pm 0,13$  смгача (16 ёшда) ўсиши кузатилди, бунда энг яққол ўсиш суръати 13-14 ёшда қайд этилди ва 21% га тенг бўлди. Қиз болаларда эса бу кўрсаткич ўртача  $5,5 \pm 0,09$  смдан (7 ёшда)  $8,7 \pm 0,12$  смгача (16 ёшда) ўсиши аниқланди ҳамда энг жадал ишончли ( $p < 0,05$ ) ўсиш суръати 12-13 ёшда қайд этилди ва 19% га тенг бўлди. Юзнинг пастки морфологик баландлиги ўғил болаларда ўртача  $4,8 \pm 0,08$  смдан (7 ёшда)  $7,3 \pm 0,13$  смгача (16 ёшда) ўсиши қайд этилди, бунда энг яққол ўсиш суръати 9-10 ёшда кузатилди ҳамда 28% ташкил қилди. Қиз болаларда эса бу кўрсаткич ўртача  $4,5 \pm 0,08$  смдан (7 ёшда)  $7,0 \pm 0,03$  смгача (16 ёшда) ўсиши кузатилди, бунда энг жадал ўсиш суръати 12-14 ёшга тенг бўлди ва 25% га ( $p < 0,05$ ) етди.

Пастки жағ шохининг баландлиги ўғил болаларда ўртача  $3,8 \pm 0,06$  смдан (7 ёшда)  $13,5 \pm 0,25$  смгача (16 ёшда) ўсиши кузатилди, бунда энг яққол ўсиш суръати 13-14 ёшга тенг келди ва 17% га етди. Қиз болаларда эса бу кўрсаткич ўртача  $3,7 \pm 0,06$  смдан (7 ёшда)  $7,5 \pm 0,13$  смгача (16 ёшда) ўсиши аниқланди, бунда энг жадал ўсиш суръати 15-16 ёшда кузатилди ҳамда 15% га тенг келди.

2-жадвал

Турли ёшдаги ўғил болаларнинг тиш-жағ системасининг Бунак методи бўйича антропометрик кўрсаткичлари

Антропометрик кўрсаткичлар		Ёш давлари									
		7 ёш	8 ёш	9 ёш	10 ёш	11 ёш	12 ёш	13 ёш	14 ёш	15 ёш	16 ёш
Юзнинг физиогномик баландлиги	асосий	16,3±0,25	18,7±0,33	19,0±1,4	19,5±1,3	19,8±1,5	20,0±0,42	21,5±0,97	25,1±1,9	26,9±0,66	29,5±0,73
	кузатув	16,3±0,23	17,7±1,00	17,4±1,5	17,7±1,6	18,1±1,7	18,2±0,54	18,4±0,86	23,1±1,3	23±0,21	24,2±0,65
Юзнинг морфологик кенглиги	асосий	20,0±0,23	22,0±0,68	22,2±1,8	22,7±1,6	23,0±1,8	23,2±0,11	24,1±0,89	26,4±2,6	27,1±0,37	29,4±0,79
	кузатув	19,3±0,11	20,0±0,81	20,4±2,3	21,1±1,7	21,1±1,9	20,2±0,70	20,8±1	24,7±2,4	26,1±0,14*	27,3±0,94
Юзнинг юқори чуқурлиги	асосий	12,0±0,82	13,0±0,82	13,1±0,9	13,3±0,9	13,4±0,9	13,5±0,15	14,6±0,76	14,9±1,1	15,7±0,24	17,2±0,83
	кузатув	10,5±0,32	11,4±0,79	12±1,2*	12,3±0,9	12,4±1,0	11,6±0,45	13±0,83	13,8±1,4	13±0,20	14,9±0,99
Пастки жағнинг баландлиги	асосий	2,8±0,98	3,5±0,50	3,6±0,3	3,8±0,3	3,9±0,3	4,0±0,52	5,3±0,67	5,5±0,4	5,9±0,22	6,0±0,62
	кузатув	1,9±0,30	2,0±0,25*	3,4±0,3	3,5±0,4	3,6±0,3	2,4±0,98	3±0,33	4,7±0,3	3,1±0,31	4,2±0,39
Юзнинг юқори баландлиги	асосий	4,7±0,06	5,0±0,10	5,1±0,4	5,4±0,4	5,4±0,3	5,5±0,08	5,8±0,08	8,0±0,4	8,4±0,17	9,5±0,15
	кузатув	4,4±0,06	4,6±0,11	4,7±0,4	5,1±0,4	4,9±0,3	5,2±0,07	5,4±0,09	7,3±0,4	7,6±0,16	7,7±0,15
Юзнинг юқори морфологик баландлиги	асосий	5,7±0,08	6,0±0,10	6,2±0,4	6,7±0,4	6,8±0,4	7,0±0,08	7,5±0,16	7,7±0,4	8,4±0,17	8,9±0,13
	кузатув	5,3±0,06	5,7±0,10	5,7±0,5	6,2±0,5	6,2±0,4*	6,4±0,1	6,9±0,11	7,1±0,3	7,8±0,14	6,8±0,12
Юзнинг пастки морфологик баландлиги	асосий	4,8±0,08	5,0±0,07	5,1±0,3	5,4±0,4	5,4±0,4	5,5±0,10	5,8±0,11	6,3±0,5	6,3±0,12	7,3±0,13
	кузатув	4,4±0,07	4,6±0,07	4,7±0,3	5,0±0,5	5,0±0,4	5,1±0,11	5,4±0,12	5,8±0,6*	5,8±0,09	6,7±0,13
Пастки жағ шохининг баландлиги	асосий	3,8±0,06	4,0±0,06	4,2±0,4	4,7±0,3	4,8±0,4	5,0±0,10	5,4±0,09	6,4±0,4	7,4±0,12	8±0,13
	кузатув	3,5±0,04	3,6±0,05	3,9±0,3	4,3±0,2	4,5±0,4	4,6±0,1	5±0,1	5,9±0,5	6,8 ±0,11	6,9±0,12

Изоҳ:\* -  $p < 0,05$  назорат гуруҳига нисбатан ишончли

## Турли ёшдаги қиз болаларнинг тиш-жағ системасининг Бунак методи бўйича антропометрик кўрсаткичлари

Антропометрик кўрсаткичлар		Ёш давлари									
		7 ёш	8 ёш	9 ёш	10 ёш	11 ёш	12 ёш	13 ёш	14 ёш	15 ёш	16 ёш
Юзнинг физиогномик баландлиги	асосий	20,0±0,23	17,0±0,97	17,4±1,4	17,9±1,4	18,6±1,0	19,9±0,22	21,8±0,85	21,9±1,7	22±0,56	23,7±0,94
	кузатув	20,0±0,23	17,4±0,75	16±1,3	16,6±1,5	17,1±1,1	17±0,21	18,6±0,98	20,1±1,9	17,2±0,25	19,1±0,89
Юзнинг морфологик кенглиги	асосий	8,8±2,00	20,2±0,84	20,5±1,6	20,9±1,3	21,3±1,4	21,6±0,89	23,4±0,7	23,8±2,1	24±0,34	25,9±0,8
	кузатув	17,2±0,34	19,9±0,98*	19,3±1,6	19,4±1,8	19,7±1,3	19,3±0,54	21,9±0,8	21,9±2,2	22±0,54	23,8±0,89
Юзнинг юқори чуқурлиги	асосий	10,4,0±0,45	11,1±0,78	11,3±0,8	11,4±0,7	11,7±0,8	11,8±0,77	13,5±0,83	13,8±1,0	14±0,6	15,1±0,74
	кузатув	8,8±0,65	10,7±0,98	10,4±0,9	10,7±0,9	10,7±1,1	10,7±0,7	12,2±0,89	12,7±1,00	11,5±0,65	13,2±0,7*
Пастки жағнинг баландлиги	асосий	2,8±0,65	3,4±0,48	3,4±0,2	3,5±0,2	3,6±0,2	3,6±0,32	4,3±0,42	4,7±0,3	4,9±0,21	5,2±0,39
	кузатув	1,6±0,90	2,4±0,22	3,1±0,2	3,2±0,2	3,3±0,3	1,8±0,43	2,9±0,31	4,3±0,3	3,1±0,32	4,4±0,5
Юзнинг юқори баландлиги	асосий	4,6±0,08	4,8±0,08	5,1±0,4	5,3±0,4	5,7±0,5	5,9±0,1	6,1±0,12	8,0±0,8	8,0±0,16	9±0,16
	кузатув	4,3±0,09	4,5±0,07	4,7±0,5	1,5±0,2*	5,3±0,4	5,5±0,12	5,6±0,11	7,4±0,9	7,3±0,19	7,5±0,15
Юзнинг юқори морфологик баландлиги	асосий	5,5±0,09	5,8±0,07	6,2±0,4	6,6±0,4	7,3±0,6	7,6±0,12	8±0,14	8,2±0,5	8,5±0,10	8,7±0,12
	кузатув	5,1±0,07	5,3±0,07	5,7±0,5	6,1±0,4	6,8±0,4	7,0±0,1*	7,3±0,4	7,4±0,5	7,4±0,12	6,4±0,13
Юзнинг пастки морфологик баландлиги	асосий	4,5±0,08	4,7±0,08	4,9±0,3	5,3±0,4	5,7±0,4	5,9±0,08	6,2±0,12	6,1±0,5	6,5±0,11	7±0,13
	кузатув	4,2±0,07	4,3±0,07	4,5±0,4	4,9±0,4	5,2±0,4	5,5±0,1	5,8±0,1	6,0±0,6	5,0±0,10	6,4±0,13
Пастки жағ шохининг баландлиги	асосий	3,7±0,06	3,9±0,04	4,2±0,3	4,6±0,3	5,0±0,3	5,2±0,07	5,7±0,11	6,5±0,5	7±0,10	7,5±0,13
	кузатув	3,4±0,06	3,7±0,05	3,8±0,3	4,2±0,3	4,6±0,4	4,8±0,06	5,2±0,13	6,0±0,4*	6,0±0,09	6,4±0,15

Изоҳ:\* -  $p < 0,05$  назорат гуруҳига нисбатан ишончли

Кузатув гуруҳи (гипотиреоз ҳолатидаги болалар)даги ўғил болаларнинг кефалометрик ўлчамлари ўлчанганда юзнинг физиогномик баландлиги назорат гуруҳига нисбатан ўғил болаларда энг яққол 11-12 ёшда 8% га, қиз болаларда эса 9-10 ёшда 14 % га ўсишдан орқада қолиши кузатилди.

